

**ЭЛЕКТРОЭНЕГЕТИКА НАЗОРАТИ БЎЙИЧА  
ДАВЛАТ АГЕНТЛИГИ  
“ЎЗДАВЭНЕРГОНАЗОРАТ”**

**ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИНИНГ  
ТУЗИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

**Э У Т Қ**

**ТОШКЕНТ – 2006**

## **ЭЛЕКТР УСКУНАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШ ҚОИДАЛАРИ**

Электр ускуналарининг тузилиш қоидаларининг (ЭУТҚ) биринчи бўлимида тарифлар, кулланилиш сохалари ва электр ускуналарининг тузилиши бўйича умумий кўрсатмалар берилган. Бўлимнинг бобларида куйидаги масалалар кўрилган: электр таъминоти ва электр тармоқлари; ўтказгичларни қизиш, токнинг иқтисодий зичлиги ва тожланиш шартлари бўйича танлаш; электр аппаратлари ва ўтказгичларни қиска туташув шартлари бўйича танлаш; электр энергиясини хисоблаш; электр катталикларни ўлчаш; заминлаш ва электр хавфсизлигининг химоя тадбирлари; қабул қилиш ва топшириш синовларининг меъёрлари.

Асос сифатида ЭУТҚ нинг 6 – нашри (М.: Энергоатомиздат, 1987г.) қабул қилинган ва у Узбекистон Республикаси қонунлари, ГОСТ талаблари, “Узбекэнерго” давлат акциядорлик компаниясининг йуриқнома ҳужжатлари, УзР архитектура ва қурилиш давлат қумитасининг курсатмалари ва КМК қоидаларига биноан қайта ишланган ва тулдирилган.

*Ушбу ҳужжат «Ўздавэнергоназорат» давлат агентлигининг рухсатисиз тулик ёки қисман қайта чиқарилиши, ададланиши ва тарқатилиши мумкин эмас.*

## СЎЗБОШИ

“Электр ускуналарининг тузилиш қоидалари”нинг ушбу нашри (1-бўлим) “Ўздавэнергоназорат” давлат агентлиги тамонидан Тошкент Давлат Техника Университети Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуний актлари, “Энергиядан рационал фойдаланиш ҳақида”, “Меёрий ҳуқуқий актлар ҳақида” ва бошқа қонунларга мослаб ишлаб чиқилди.

“Қоидаларни” ишлаб чиқишда қуйидаги муаллифлар жамоаси катнашдилар: т.ф.д. Т.М. Кодиров Х.Г. Каримов ,т.ф.н. А.Г. Саидходжаев, И.Х. Сиддиқов, Т. Ш. Гоипов, Э.Г. Усманов

ЭУТҚ нинг 1-бўлимида асосий таърифлар баён этилади, Қоидаларнинг қулланиш соҳалари курсатилади ва қуйидаги масалалар ёритилади: электр таъминоти ва электр тармоқлари; ўтказгичлар ва электр аппаратларини танлаш; электр энергияни ҳисобга олиш ва электр катталикларни ўлчаш; заминлаш ва электр хавфсизлигининг химоя тадбирлари; электр жихозларини синаш меъёрлари.

Ушбу қойидаларда Ўзбекистон Республикасининг электр таъминоти тизимларида фойдаланмайдигон электр жихозларига таалукли булган материаллар тушириб қолдирилган. Олтинчи боб параграфларида авария ходисаларининг замонавий, қуп каналли рақамли қайд этгичларидан фойдаланиш ҳисобга олинган. Саккизинчи бобга Ўзбекистон Республикасининг энергетика тизимида қулланилаётган вакуумли ва элегазли узгичларнинг синаш меъёлари киритилган.

ЭУТҚ нинг биринчи бўлимини тайерлашда «Ўзбекэнерго» ДАК (Раимов Р.О.) корхоналари ОРГРЕС ОАЖ (Умиров Р.С.), «Гидролойиха» ОАЖ (Мирзаев Ф.Т.), «Ўзстандарт» (Буриев Р.А.) агентлиги, УзР архитектура ва қурилиш бўйича давлат қумитаси (Тохтаев А.Р.) УзР кишлок ва сув ҳужалиги вазирлиги (Жураев А.М.), УзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Абидов) ва УзР ИИВ ЕХББ (Қулдошев А.Х.) ларнинг мулоҳаза ва таклифлари ҳисобга олинган.

ЭУТҚ да қуйидагича номерлаш қабул қилинган: параграфлар учун – бўлим, боблар, параграф номери, боб учун – бўлим, боб номери. Масалан, 1.5.22 - 1-бўлим 5-боб 22-§ ни билдиради.

Қоидаларнинг талаблари барча ташкилотлар учун, эгалик туридан қатъий назар, мажбурий ҳисобланади.

ЭУТҚ мазкур бўлими «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзстандарт» агентлиги, УзР архитектура ва қурилиш бўйича давлат қумитаси, УзР ИИВ енгин хавфсизлиги бош бошқармаси, УзР монополиядан чиқариш ва конкуренцияни ривожлантириш бўйича давлат қумитаси, УзР меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоялаш вазирлиги билан келишилган.

Қойидаларнинг асосий масалалари электр энергетикасида назорат бўйича «Ўздавэнергоназорат» давлат агентлигининг Б.М.Тешабаев, Я.Н.Ҳожиев, Б.Х.Гулямов, У.Ш.Абдуллаев, Д.Г. Солиев, Р.К.Барноев таркибидаги редакцион комиссияси тамонидан қуриб чиқилган.

ЭУТҚ 1-бўлими бўйича мулоҳаза ва таклифларни «Ўздавэнергоназорат» давлат агентлигига жунатиш ( 700000, Тошкент ш., Ҳоразм кучаси 6) тавсия этилади.